

## **БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ МЕХАНИЗМЛАР**

**Очилова Шоира Сайфиевна**

*Самарканд чет тиллар институти Гуманитар фанлар ва ахборот тухнологияси кафедрасининг доценти, тарих фан номзоди*

---

### **ARTICLE INFO.**

**Калит сўзлар:** Болалар ҳуқуқлари, ахлоқ, тарбия, ёш авлод, Ибн Сино, Алишер Навоий, Абуулла Авлоний, Туркий гулистон ёхуд ахлоқ, Янги конституция лойиҳаси, Конвенция, ЮНИСЕФ, Омбудсман.

---

### **Аннотация**

Бола ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш хозирги замоннинг глобал муаммоларидан бири бўлиб, уни ҳал этиш билан боғлиқ масалалар жаҳон ҳамжамиятининг доимий дикқат эътиборида бўлиб келган. Бу бежиз эмас, чунки ёш авлод жамият тараққиёти ва истиқболини таъминловчи етакчи куч бу болалар ҳисобланади.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl> © 2023 LWAB.

Ўзбекистон Республикасида Президентимизнинг бевосита раҳбарлигига болаларнинг тарбиясига эътибор бериш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида самарали ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Бу жиҳатлар айниқса юртимизда болаларнинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий жиҳатдан ҳимоя қилиш бўйича жуда кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, янги конституция лойиҳасидан янги тарихий жараён ўрин олган бўлиб, мамлакатимиз болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича тегишли ҳуқуқий база шаклланган. Булар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Оила кодекси, Фуқаролик кодекси, Мехнат кодекси, Жиноят кодекси ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларида болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид нормалар ўз ифодасини топганганлиги билан тарихий аҳамиятга эгадир. Айнан тақдим этилаётган болалар ҳуқуқлари бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат:

боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш;

боланинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш;

боланинг камситилишига йўл қўймаслик;

боланинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш;

болалар ҳуқуқлари ва имкониятларининг tengligini таъминлаш;

бала ҳуқуқлари кафолатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;<sup>1</sup>

Шунингдек тақдим этилаётган янги конституция лойиҳасида болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига ҳам алоҳида эътибор қаратилганлиги катта тарихий жараёндир.

### **78- модда.**

Фарзандлар ота-онасининг насл-насаби ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

<sup>1</sup> <https://lex.uz/acts/1297315>

Боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш давлатнинг мажбуриятидир. Оналик, оталик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади. Давлат ва жамият болаларда ҳамда ёшларда миллий ва умуминсоний қадрияларга содиқликни, мамлакатидан ҳамда халқнинг бой маданий меросидан фахрланиши, ватанпарварлик ва Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантириш тўғрисида ғамхўрлик қилади.

### **79- модда.**

Давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлайди, уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантиради. Давлат ёшларнинг интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланниши ҳамда ривожланиши учун, уларнинг таълим олишга, соғлигини сақлашга, уй-жойга, ишга жойлашишга, бандлик ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратади<sup>2</sup>.

Шунингдек болаларининг ҳуқуқий омиллари билан бирга уларнинг тарбиявий масаласи ҳам бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилиган. Тарихан маълумки, шарқ анъанасига кўра тарбия оиласидан бошланади, шу сабабдан оила жамият бўғини хисобланади. Алишер Навоий бобомиз айтганларидек боланинг вояга етишида, камол топишида тарбиянинг кучи ва қудратига алоҳида эътибор бериш кераклигини таъкидлайди. Тарбиянинг натижасида бола фойдали ва етук киши бўлиб ўсади ва камол топади. Айниқса, ёш боланинг жуда кичик ёшидан бошлаб тарбияламоқ зарурлиги ва тарбия инсонга ўзида яхши одат ва фазилатлар хосил қилишга ёрдам беради. У одам шахси кишилар билан муносабатда, айниқса кишиларнинг бир – бирларига бўлган руҳий маънавий таъсирлари натижасида таркиб топади деб вояга етказиша асосий омиллардан бири тарбия деб уқтириб ўтганлар.

Бола тарбияси ва тарбия усуслари ҳақида қимматли фикрларини билдирган Ибн Синонинг фикрларида боланинг ахлоқий тарбияси оила яъни ота – онанинг асосий максади ва вазифаси эканлигини Ибн Синонинг ахлоққа бағишлиланган “Бурч рисоласи” асарида баён этилган. Ушбу асар 1910 йили Мисрда нашр этилган бўлиб, бола тарбияси, жамиятдаги ўрнига доир масалалар кенг ўрин олган.

Ибн Сино фикрича, олти яшарда бола мураккаб бўлмаган вазифаларни бажаришга ўргатиш лозим. Бунда жуда эҳтиёткорлик билан иш кўриш ҳамда болага қерагидан ортиқча иш юкламаслик зарур. Агар у бу ишга қизиқиб кетса, шу ишни давом эттирилади, совуққонлик билан бажарса, уни дарҳол бошқа машғулотга алмаштириш лозим<sup>3</sup>. Бу ўринда боланинг қизиқиши ва эҳтиёжлари ҳисобга олинган фикр ва тавсиялар келажакда етуклик сари қилинган саъий ҳаракатдир.

Тарихдан маълумки, XIX асрнинг иккинчи ярми XX асрнинг бошларида Туркистон (Марказий Осиё) ўлкасида педагогик тарбия соҳасида ўзининг бой фикрлари билан таълим ва тарбияни ривожланишида, халқ маорифи ишларини юксалтиришда илфор зиёли Абдулла Авлонийнинг хизматлари каттадир. Жадид адабиётининг йирик вакили шоир, драматург, муаллим Абдулла Авлоний (1878-1934)нинг хизматлари мактаблар очиб, шахсан ўзи муаллимлик қилиш билан бирга мактабларни дарслилар билан таъминлаш ишига катта ҳисса қўшганлиги янада аҳамиятлидир.

Хусусан, Абдулла Авлонийнинг “Туркий гулистон ёхуд ахлок” асарида бола тарбияси ва унинг ахлоқига доир масалалар кенг ёритилган бўлиб, бугунги ёш авлоднинг ахлоқий тарбиясида муҳим тарихий аҳамиятга эгадир. “Тарбия – «Педагогия», яъни бола тарбиясининг фани демакдур. Илми ахлоқнинг асоси тарбия ўлдуғиндан шул хусусда бир оз сўз сўйлаймиз. Боланинг саломати ва саодати учун яхши тарбия қилмак, танини пок тутмак, ёш вақтидан маслакини тузатмак, яхши хулқларни ўргатмак, ёмон хулқлардан сақлаб ўсдурмакдур. Тарбия қилгувчилар табиб кабидурки, табиб хастанинг баданидаги касалига даво қилган каби тарбияни боланинг вужудидаги жаҳл маразига «яхши хулқ» деган давони ичидан, «поклик» деган давони устидан беруб, катта қилмоғи лозимдур. Зероки, «Ҳассину ахлоқикўм» амри шарифи узра хулқимизни тузатмакга амр ўлингандар. Лекин хулқимизнинг яхши бўлишининг асосий панжаси тарбиядур”<sup>4</sup>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси конститутциявий қонунининг лойиҳаси. XIV боб. Оила, болалар ва ёшлар. 2023 й. 18 бет

<sup>3</sup> X.Жонматова. Абу Али ибн Сино таълим тарбия тўғрисида. Т.: “Ўқитувчи” 1980, 22-бет

<sup>4</sup> А.Авлоний. “Туркий гулистон ёхуд ахлок” 2007 й. 6-бет

Шу ўринда тарихий қузатишлар орқали ҳам болаларга берилган эътибор ва уларнинг қонун доирасида ҳимоя қилинган жараёнларнинг гувоҳимиз. Хусусан, БМТнинг Болалар фонди (ЮНИСЕФ) ташкилотининг фаолияти шулар жумласидандир. Бу ташкилот иккинчи жаҳон урушидан кейинги Европада ва Хитойда болаларнинг озиқ-овқат, дори-дармон ва кийим-кечакка бўлган кундалик зарур эҳтиёжларини тўлароқ қондириш мақсадида 1946 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг биринчи сессиясида ЮНИСЕФ таъсис этилган эди. 1950 йилда БМТ Бош Ассамблеяси мазкур Фонд фаолиятининг асосий йўналиши ривожланаётган мамлакатлар болаларининг манфаатлари кўзланган дастурни амалга оширишдан иборат дея қарор қабул қилди.

Уч йилдан кейин БМТ Бош Ассамблеяси ЮНИСЕФнинг фаолиятини номуайян муддатга узайтиришга қарор қилган. ЮНИСЕФ инсонпарварлик, муруват ёрдами кўрсатган холда ривожланишга ҳамкорлик қиласар экан, болаларни ҳимоя этиш ва уларнинг барча қобилиятларини ўстириш мақсадида ривожланаётган мамлакатлар билан ҳамкорлик доирасини кенгайтиришга ҳаракат қилиб келмоқда. Бундай ҳамкорлик болаларни камол топтириш соҳасидаги миллий дастурлар доирасида амалга оширилмоқда. Ана шу ҳамкорлик моҳиятан жаҳондаги ҳар бир болага унинг Бола ҳукуқлари тўғрисидаги конвенцияда эълон қилинган таянч ҳукуқлари ҳамда имтиёзлари имкон қадар рӯёбга чиқарилишини таъминлашга қаратилган. Марказий ва Шарқий Европада, шунингдек собиқ Совет Иттифоқи худудида болаларнинг энг зарур талаб-эҳтиёжларини қондириш мақсадида ЮНИСЕФ баъзи давлатларга яқиндан ёрдам кўрсатиб келмоқда.

ЮНИСЕФ бола ҳукуқларини рағбатлантириш масалалари билан шуғулланувчи Бола ҳукуқлари қўмитаси билан жисп ҳамкорликни йўлга қўйган бўлиб, айни бир вақтда Конвенциянинг амалга оширилишини қузатиш ҳамда Конвенцияни ратификация қилган ёки бу хужжатга қўшилган давлатларга улар зиммадаги вазифаларини бажаришларида томонидан ёрдам кўрсатиш билан шуғулланмоқда. ЮНИСЕФ ўз фаолиятида Болаларнинг омон қолишини таъминлаш, уларни ҳимоя этиш ва камол топтириш тўғрисидаги умумжаҳон декларациясини амалга оширишга қаратилган ҳаракатлар режасига амал қиласи. Мазкур декларация болаларнинг манфаатларини кўзлаб 1990 йилнинг сентябрида Нью-Йоркда кўпгина давлатлар ва ҳукуматларнинг раҳбарлари ҳамда олий мартабали бошқа шахслар иштирокида ўтказилган олий даражадаги умумжаҳон учрашуvida қабул қилинган<sup>5</sup>.

Бола ҳукуқларини ҳимоя қилишга қаратилган халқаро ва миллий механизмлар яна бири бу Бола ҳукуқлари бўйича қўмита бўлиб, бу Кўмитанинг биринчи сессияси 1991 йилда бўлиб ўтган. Кўмитанинг таркибида ўн нафар экспертдан иборат аъзоси бор. Унинг зиммасига бола ҳукуқларини рағбатлантириш учун курашаётган, Конвенция катнашчиси бўлган барча давлатлар ўртасида мунтазам мулоқот йўлга қўйилишини таъминлаш вазифаси топширилган.

Кўмита жаҳон болаларининг тинчлиги ва фаровонлигига таҳдид солувчи омилларни аниқлаб, муайян муаммоларнинг амалий ечимини излашга етакчилик қилиб келмоқда. Уларни ҳал қилиш учун одамларни ва молия ресурсларини сафарбар этиш чораларини кўрмоқда ҳамда жамоатчиликнинг хабардорлик даражасини оширишга, бола ҳукуқларини ҳимоя этиш ва рағбатлантиришдаги иштирокини кенгайтиришга қўмаклашмоқда. Кўмита ана шу мақсадда мазкур соҳада жўшқин фаолият олиб бораётган бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликни ҳам йўлга қўйган.

Кўмита 1989 йил қабул қилинган Бола ҳукуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилган ёки унга қўшилган давлатлар ўзларининг бу борадаги мажбуриятларини қай тарзда бажараётганликларини қузатиб боради. Конвенция катнашчиси бўлган давлатлар Конвенция бажарилишига қаратилган тадбирлар ҳакидаги ва бола ҳукуқларини амалга ошириш соҳасидаги тараққиёт тўғрисидаги маърузаларни мунтазам равишда шу Кўмитанинг ўзига тақдим этадилар. Бу маърузаларнинг миллий даражада ошкор этилиши ва кенг оммалаштирилиши таъминланади<sup>6</sup>.

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган бундай сайд-харакатлар самарали конунчилигимиз асоси бўлиб, бунинг натижасида болаларни ҳимояловчи мухит яратишда яна бир ижобий қадам эканлиги тарихий жараёндир. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 29 майдаги “Бола ҳукуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳам бу борада мухим қадам бўлди. Қарорга мувофиқ, Президентимизнинг 2019 йил 22 апрелдаги тегишли қарори билан

<sup>5</sup> Инсон ҳукуқларини ўрганиш (услубий қўлланма) Тошкент. 2021, 110-111 бетлар

<sup>6</sup> Бола ҳукуқлари тўғрисидаги конвенция ва унинг факультатив протоколлари. 2009 й. 11-12 бетлар

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринbosари – Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозими жорий этилди<sup>7</sup>. Энг муҳими, мазкур хужжат билан Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари аниқ белгилаб берилди.

Эндиликда болалар билан боғлиқ барча масалалар вакил иштирокида амалга оширилади. Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини бажариш стратегиясини ва бола ҳуқуқлари масалалари бўйича бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади. Қолаверса, ахоли ўртасида бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари масалалари бўйича хукукий онг ва хукукий маданиятни оширишга кўмаклашади. Шу билан бир қаторда жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан, болалар ҳамда улар қонуний вакилларининг бола ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши тўғрисидаги мурожаатларини кўриб чикиш орқали боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлайди.

Хулоса қилиб, боланинг келажаги ва унинг тарбиявий аҳамияти жамиятимизнинг ҳар бир бўғини учун бошлангич пойдевордир. Ўзбекистон тарихи учун қилинган ҳар қандай ўзгариш ва унинг самарали усуслари келажак авлоднинг яхши ҳаёт қуриб, ривожланиши учун таъмал тошидир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси конститутциявий қонунининг лойиҳаси. XIV боб. Оила, болалар ва ёшлар. 2023 й.
2. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ва унинг фақультатив протоколлари. 2009 й.
3. Инсон ҳуқуқларини ўрганиш (услубий қўлланма) Тошкент. 2021 йил
4. Авлоний А. “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” 2007 й.
5. Жонматова Х.. Абу Али ибн Сино таълим тарбия тўғрисида. Т.: “Ўқитувчи” 1980 йил
6. <https://xs.uz/uzkr/post/bola-huquqlari-davlat-himoyasida>
7. <https://lex.uz/acts/1297315>
8. Nusratullayevich, P. T. B. (2022). The role of alisher Navoi's spiritual heritage in the moral education of youth. *EPRA International Journal of Research and Development (IJRD)*, 7(4), 38-39.
9. Туробов, Б. Н. (2022). ШАРҚШУНОС ЕЭ БЕРТЕЛЬС МУТАФАККИР АЛИШЕР НАВОЙ ИЖОДИННИНГ ШАКЛЛАНИШ ОМИЛЛАРИ ТЎҒРИСИДА. *ФИЛОСОФИЯ И ЖИЗНЬ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ*, (SI-2).
10. Hamdamova, M., & Turobov, B. (2020). An introduction to ancient p philosophy in Beruni's works. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, 24(S1), 676-681.

<sup>7</sup> <https://xs.uz/uzkr/post/bola-huquqlari-davlat-himoyasida>